

Маркетинг (темир йўл транспорти) таълим йўналиши тўғрисида қисқача маълумот

Бу таълим йўналишида темир йўл транспорти фаолиятининг маркетинг режасини ишлаб чиқиш, юк ва йўловчи ташишга талабни шакллантириш мақсадида маркетинг жараёнларини маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, маркетинг таҳлили, реклама хизмаларини ташкил этиш, маркетинг турларига мос равишда транспорт хизматлари бозорини тадқиқ қилиш, нарх сиёсати, иқтисодий логистика ва маркетингнинг ўзаро алоқаси ўрганилади



Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар

ЎТЙ АЖнинг Маркетинг бошқарма ва бўлимлари, юк ва йўловчи ташиш билан шуғулланувчи барча турдаги корхоналари, логистик марказлар, экспедиторлик компаниялари, саноат корхоналари, шунингдек, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?

Маркетолог, кадрлар бўлими инспектори, бўлим ёки бошқарма бошлиғи

Маркетинг (автомобиль транспорти) таълим йўналиши тўғрисида қисқача маълумот

Фан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги йўналиш бўлиб, автомобиль транспорти корхона ва ташкилотларида маркетинг фаолиятини ташкил этиш, бошқариш, режалаштириш, назорат қилиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, бозорни таҳлил қилиш, истеъмолчиларни ўрганиш, коммуникация фаолиятини ривожлантириш, янги товар ва хизматларни бозорга киритиш, турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларда маркетинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, маркетинг фаолиятини ривожлантириш, истиқболни белгилашга йўналтирилган усуллар ва воситалар мажмуини қамраб олади.



Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги қошидаги автомобиль транспорти корхона ва ташкилотлари, "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ, логистика марказлари, консалтинг хизмати корхоналари, турли мулкчилик шаклидаги автотранспорт корхоналарида фаолият юритишлари мумкин.

Таълим йўналиши битирувчилари маркетолог, иқтисодчи-маркетолог, реклама бўйича мутахассис, консалтинг хизмати бўйича мутахассис лавозимида ишлашлари мумкин.